

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 51-ҳадис

51 - وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: گَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُعِجِّبُهُ التَّيْمُونُ فِي شَأْنِهِ كُلِّهِ: فِي طُهُورِهِ، وَتَرْجُلِهِ، وَتَعْلِيهِ. مُتَّقٌ عَلَيْهِ.

Оиша розияллоху анходан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳоратларида ҳам, таранишларида ҳам, пойабзал кийишларида ҳам ўнгдан бошлишни яхши кўрар эдилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ҳақиқий мусулмон киши ибодати, иймони ва ахлоқида Пайғамбарга эргашади. Барча гўзал ишлари ва одатларида ҳам эргашади. Расулуллоҳнинг с.а.в. яхши кўриб қиласиган амалларидан бирорвқатланиш, таҳорат олганда ёки бошқа ишларида ўнг қўлда бажариш эди. Аммо истинжо ва эснашда чап қўлни ишлатардилар. Гарчи оддий кўринсада, биз ҳам бу шундай қилишга бурчлимиз. Чунки биз мўъминлар Расулуллоҳ с.а.в.нинг суннатларига эргашиш орқали у зотга бўлган муҳаббатимизни исботлаймиз.

Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Барча ишларни ўнг томондан бошлиш суннатдир.
2. Расулуллоҳ с.а.в.нинг сийратларида ишларни ўнг томондан бошлаб бажарганларига мисоллар кўпдир. Масалан, ғусл қилиш, пойафзал кийиш каби.
3. Мусулмон киши ушбу суннатни ҳаётига татбиқ қиласиди. У ўнг қўли билан таом ейди, ўнг қўли билан сув ичади.
4. Истинжо (мустаҳаб) ва эснаш (кафт билан оғизни ёпишда)дан бошқа барча амалларда ўнг қўлни ишлатишга ҳаракат қиласиди.



NUBUVVAT MARVARIDLARI